

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.В.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОБИДОВ МУЗАФФАРЖОН ВАЛИЖНОНОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ФАРГОНА БЎЗ, ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИ  
ВА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ БИОГЕОКИМЁСИ**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on biological  
sciences**

**Обидов Музаффаржон Валижонович**

Жанубий Фарғона бўз, ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ва доривор  
ўсимликлари биогеокимёси..... 3

**Обидов Музаффаржон Валижонович**

Биогеохимия сероземных, лугово-аллювиальных почв и лекарственных  
растений юга Ферганы..... 21

**Obidov Muzaffarjon Valijonovich**

Biogeochemistry of sierozem, meadow-alluvial soils and medicinal plants in  
the southern Fergana..... 39

**Эълон қилингандай ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.В.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОБИДОВ МУЗАФФАРЖОН ВАЛИЖНОНОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ФАРГОНА БЎЗ, ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИ  
ВА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ БИОГЕОКИМЁСИ**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/B676 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исағалиев Муроджон Тўйчибоевич**  
биология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурахмонов Нодирjon Юлчиевич**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Диёрова Мухаббат Хуррамовна**  
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.05.03 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил «20 » 08 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-й. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; E-mail: fardu\_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (147-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-й. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «06 » 08 куни тарқатилди.  
(2022 йил «06 » 08 даги №2-рақамли реестр баённомаси).



**F.Юлдашев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
райси, к.х.ф.д., профессор

**У.Б.Мирзаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар мажлиси раиси,  
б.ф.н., доцент

**З.А.Жаббаров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар мажлиси раиси,  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда «Тупроқлар ер юзида ҳаётни таъминлайдиган экотизим хизматларини кўрсатиб, муҳим функцияларидан бири дори воситалари ва генетик ресурслар манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига 1,6 млрд. гектар ер майдондан фойдаланилиб, турли салбий таъсиrlардан тупроқни муҳофаза қилиш, экинларни инсон хўжалик эҳтиёжларидан келиб чиқиб жойлаштириш, тупроқларнинг унумдорлигини яхшилаш, экинлардан экологик тоза мўл ва сифатли дори хом-ашёлари етиштиришда самарали усуллар талаб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра дунё аҳолисининг 80% касалликларни даволашда ўсимликлардан фойдаланади, касалликларни даволаш учун ишлатиладиган ўсимлик турлари 70 минг атрофида бўлиб, дунёда этиштирилган ўсимликларнинг атиги 15 фоизини ташкил қиласди»<sup>1</sup>. Шу сабабли қўриқ ва сугориладиган тупроқлар унумдорлигига таъсиr кўрсатувчи омилларни аниқлаш, тупроқ ва доривор ўсимликларнинг геокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва доривор ўсимликлар ҳосили сифатини баҳолаш ҳамда тупроқ – доривор ўсимлик занжирида кимёвий элементлар таркиби, миқдори ва хусусиятларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Дунёда сугориш таъсирида тупроқлар хоссалари, унумдорлиги ўзгаришини тадқиқ этиш, маҳаллий ва интродукция қилинган ўсимликларнинг дориворлик хусусиятларини аниқлаш, элементларнинг геокимёвий ва биогеокимёвий миграцияси ва аккумуляцияси бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада қўриқ, сугориладиган тупроқларда ҳамда доривор ўсимликларда кимёвий элементларнинг миграцияси, аккумуляциясини, биогеокимёвий провинциялар шаклланишини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини доривор ўсимликлар фонида ошириш ва экологик-мелиоратив ҳолати яхшилаш, қўриқ ва сугориладиган тупроқларда экологик тоза доривор хом-ашёлари етиштириш ва баҳолашга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тупроқларда кечеётган экологик, геокимёвий, биогеокимёвий ўзгаришларни аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, муҳофаза қилиш ва шўрланган ерларда доривор ўсимликлар интродукцияси, улардан оқилона фойдалиниш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлаштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/soils-2015>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Шунингдек, қўриқ оч тусли бўз ва сугориладиган ўтлоқи тупроқларнинг биогеокимёвий хусусиятларини аниқлаш, она жинс – тупроқ – доривор ўсимлик тизимида кимёвий элементларни таҳлил этиш, қуммулятив жараёнларини аниқлаш, баҳолаш ва макро- ва микроэлементлар сифати ва миқдорларини тупроқ унумдорлигини белгилашда ҳамда оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва 2020 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш тўғрисида»ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли «Ёввойи ҳолда ўсуви доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қўриқ ва сугориладиган тупроқларда содир бўлаётган кимёвий, физик, физик-кимёвий, экологик ва мелиоратив ўзгаришларни кимёвий элементлар миқдори, сифати, геокимёвий тизимларда рухсат этилган концетрациялари, тупроқ-геокимёвий, биогеокимёвий провинциялари, яхшилаш йўллари бўйича кўпчилик хориж ва республика олимлари, хусусан Я.В.Пейве, А.И.Перельман, В.В.Добровольский, Н.С.Касимов, В.А.Алексеенко, М.И.Курсанова, Ю.Н.Водяницкий, Ф.Я.Саприкин, V.M.Goldschmidt, A.Kabata-Pendias, Е.К.Круглова, М.М.Алиева, Ф.Юлдашев, М.М.Тошқўзиев, М.Т.Исағалиев, А.Т.Турдалиев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш агротехнологияси, биоэкологияси, ценопопуляцияси, кимёвий таркиби, макро- ва микроэлементлар, хусусан оғир металлар аккумуляцияси, тиббиёт, халқ табобатидаги аҳамияти ва оқилона фойдаланишга қаратилган қўплаб республика ва хорижлик олимлар Б.Е.Тухтаев, О.К.Хожиматов, Э.Т.Бердиев, Ю.М.Мурдахаев, А.А.Абзалов, П.К.Игамбердиева, В.Н.Абдуллабекова, Д.Эгамбердиева, В.В.Семенова, A.Nidal, E.A.Singh, H.Sarma, Maiti Ratikanta ва бошқаларнинг асарлари ва илмий-тадқиқотларида ёритилган. Лекин, бўз минтақа қўриқ оч тусли бўз, чўл минтақаси ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ҳамда доривор ўсимликларида кимёвий элементлар таркиби, миқдори, биогеокимёвий хусусиятлари, тупроқ-геокимёвий баръерлари ва экологик ҳолати бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФСХ-7-011 «Фарғона водийси тупроқларининг унумдорлиги ва уни ошириш муаммолари» (2013-2018 йй.) мавзусидаги фундаментал ҳамда «Фарғона водийсида тупроқ геокимёсининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш» (2018-2023 йй.) мавзусидаги халқаро шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жанубий Фарғона оч тусли бўз, сугориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ва доривор ўсимликларининг биогеокимёвий хусусиятларига, экологик ҳолатига макро- ва микроэлементлар микдори, сифати ва дифференциациясининг таъсирини аниқлаш, тупроқлар унумдорлигини ошириш ҳамда доривор ўсимликлар биологик сингдириш интенсивлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Жанубий Фарғона тупроқларининг ҳосил бўлиши ва ривожланишига табиий ва антропоген омиллар таъсирини ўрганиш;

кўриқ оч тусли бўз ва сугориладиган ўтлоқи тупроқларнинг морфогенетик белгилари, физик, агрокимёвий, кимёвий хосса-хусусиятларини аниқлаш;

«тупроқ – доривор ўсимлик» тизимида кимёвий элементлар микдори, сифати, концентрация кларки, биологик сингдириш коэффициенти, геокимёвий интенсивлиги, биогеокимёвий провинцияларини ҳамда ўзаро корреляциясини аниқлаш;

сугориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар агрокимёвий кўрсаткичлари асосида агрокимёвий рақами хаританомасини тузиш;

табиий, маданий ҳамда интродукция қилинган доривор ўсимликларнинг элемент таркиби асосида гурухлаш, биологик сингдириш интенсивлигини баҳолаш;

сугориш таъсирида ўтлоқи тупроқлар геокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда мукаммал миқёсли агрокимёвий хаританома асосида доривор ўсимликларни жойлаштириш ва фойдаланишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Жанубий Фарғона ҳудуди бўз тупроқлар камарининг кўриқ оч тусли бўз ва чўл минтақасининг эскидан сугориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ҳамда доривор ўсимликлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** оч тусли бўз, ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг морфогенетик белгилари, физик, агрокимёвий хоссалари, макро- ва микроэлементлар таркиби, микдори, миграцияси, аккумуляцияси, доривор ўсимликлари ва уларнинг элемент таркиби, биогеокимёвий хусусиятлари ҳамда агрокимёвий хаританомалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Тадқиқотлар дала, лаборатория ва камерал шароитларда тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар

бўйича амалга оширилган бўлиб, изланишларда морфогенетик, биогеокимёвий ёндашув, кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларидан фойдаланилган, жумладан, кимёвий таҳлиллар Е.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв», агрокимёвий хаританомалар тузиш «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» асосида ArcGIS10 дастурида ҳамда тупроқ, доривор ўсимликларнинг элемент таҳлили нейтрон-активацион усулда бажарилган. Олинган натижалар дисперсион математик-статистик таҳлили Б.Доспехов услубига таянган компьютер дастури ёрдамида амалга оширилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

Жанубий Фарғона қўриқ оч тусли бўз, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг морфогенетик белгилари, физик, агрокимёвий, физик-кимёвий хоссалари ва биогеокимёвий хусусиятлари ҳамда геокимёвий баръерлари, провинциялари аниқланган;

қўриқ оч тусли бўз, ўтлоқи-аллювиал тупроқлар, уни ҳосил қилувчи она жинслари ва доривор ўсимликларда Na, K, Mn, Sm, Re, Mo, Lu, U, Yb, Au, Nd, As, W, Br, Ca, La, Ce, Se, Hg, Tb, Th, Cr, Hf, Ba, Sr, Cs, Ni, Sc, Rb, Zn, Co, Ta, Fe, Eu, Sb нинг микдорлари, геокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятлари аниқланган;

доривор ўсимликлар таркибидаги биомикроэлементлар микдори қиёсий-географик корреляцияси ижобийлиги ва корреляция коэффициенти 0,35-0,90 оралигига тебраниши исботланган;

оч тусли бўз, суғориладиган ўтлоқи тупроқларни оғир металлар билан кучсиз ифлосланиши, доривор ўсимликларда рухсат этилган чегаравий улушдан пастлиги аниқланган, бу доривор ўсимликлар етиширишда органик ўғитлардан фойдаланиш ва ўсимликларнинг танлаб сингдириш қобилияти билан боғлиқлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

Жанубий Фарғона оч тусли бўз ва эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг физик, кимёвий хоссалари, геокимёвий хусусиятлари ҳамда табиий, маданий ва интродукция қилинган доривор ўсимликларнинг макро- ва микроэлемент таркиби, микдорлари, уларнинг миграция, аккумуляцияси аниқланган ва шу асосда доривор ўсимлик хомашёларини экологик-биогеокимёвий прогнозлаш имконияти яратилган;

оч тусли бўз ва эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда буғланувчи, карбонат-гипсли, глейли геокимёвий баръерлар ажратилган ҳамда мос равиша Sb, Yb, As, Eu, Ni, U; Ba, Zn, Cs, U ли ортиқча кучсиз тупроқ-геокимёвий провинция, доривор ўсимликларда Se, Re, Br, K, Mo ва Au ли кучсиз, кучли ва жуда кучли биогеокимёвий провинциялар аниқланган бўлиб, 1:5000 миқёсли мукаммал рақамли агрокимёвий хаританома тузилган, она жинс, тупроқ ва доривор ўсимликларнинг экологик ҳолатини тавсифлаш, органик ва минерал ўғитлардан дифференциал фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсия ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларни дала,

лаборатория ва камерал усуллардан фойдаланган ҳолда бажарилганлиги, тадқиқот натижалари вариацион-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, амалиётга жорий қилинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти Жанубий Фарғона оч тусли бўз, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг шаклланиши, ривожланиш шароитлари ва физик, кимёвий ва геокимёвий хусусиятларини унумдорликка таъсири, тупроқларда кечётган геокимёвий жараёнлар йўналиши кўрсатиб берилганлиги, суғориладиган, қўриқ ерлар ва доривор ўсимликларнинг экологик ҳолати ҳамда тупроқлардан, доривор ўсимликлар хом-ашёларидан самарали фойдаланишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти қўриқ оч тусли бўз, суғориладиган ўтлоқи тупроқлардан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш, аниқланган макро- ва микроэлементларнинг концентрация кларки миқдорларидан тупроқ-мелиоратив, экологик баҳолаш, доривор ўсимликлар интродукциясини йўлга қўйиш ва етиштириш ҳамда 1:5000 миқёсли рақамли хаританомадан органик ва минерал ўғитларни табақалашганд ҳолда қўллаш бўйича чора-тадбирлар белгилашда асос бўлиб хизмат қиласди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Фарғона бўз, ўтлоқи тупроқлари ва доривор ўсимликларининг биогеокимёвий хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қўриқ оч тусли бўз ва суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида тарқалган доривор ўсимликларнинг экологияси ва биогеокимёвий хусусиятлари «Доривор ўсимликлар биологияси ва экологияси» номли ўқув қўлланмасига киритилган ҳамда 5411100-Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси йўналиши талабаларининг ўқув жараёнига жорий қилинган (Гувоҳнома, №356/7-022). Натижада, республикамиз турли тупроқ-иқлим минтақаларида тарқалган доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби, биологияси, экологияси, етиштириш агротехнологиясини амалга ошириш ва дориворлик хусусиятларидан фойдаланишда қўлланма сифатида хизмат қиласди;

суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг 1:5000 масштабли мукаммал рақамли агрокимёвий хаританомаси Фарғона вилояти Учқўприк тумани «Мехригиё» корхонасига қарашли 20 гектар майдонда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 02/022-5071-сонли маълумотномаси). Натижада, гидроморф шароитда шаклланган чўл минтақаси ўтлоқи-аллювиал тупроқлари унумдорлигини сақлаш ва ошириш, доривор ўсимликлардан юқори ҳосил олиш учун мажмуавий агротехник, агрокимёвий ва мелиоратив тадбирлар тизимини амалга оширишда илмий асос сифатида хизмат қиласди;

эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари, она жинслари ва

доривор ўсимликларида Na, K, Mn, Sm, Re, Mo, Lu, U, Yb, Au, Nd, As, W, Br, Ca, La, Ce, Se, Hg, Tb, Th, Cr, Hf, Ba, Sr, Cs, Ni, Sc, Rb, Zn, Co, Ta, Fe, Eu, Sb ва бошқа элементларнинг микдори, биогеокимёвий хусусиятлари «Мехригиё» корхонаси 19,61 гектар майдонида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 02/022-5071-сонли маълумотномаси). Натижада, ҳудуд тупроқлари ва доривор ўсимликларини тавсифлаш, тупроқ-экологик мониторингини олиб бориш, органик ўғитлаш, доривор ўсимликларни тўғри жойлаштириш, экологик тоза ўсимлик хомашёлари етиштириш ҳамда тайёрлашга асос сифатида хизмат қилган, шунингдек, USDA «Organic» қоидаларига мувофиқлиги халқаро сертификатини олишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 2 таси хорижий ва 5 таси республика журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 боб, хуносалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети ва усуллари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқ ва доривор ўсимликларнинг биогеокимёвий тадқиқоти тарихи таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда ва хорижда тупроқлар, доривор ўсимликлар ва улардаги кимёвий элементларнинг геокимёси ва биогеокимёсига оид адабиётлар шархи келтирилган. Қайд қилинган адабиётлар маълумотларининг якуни сифатида Жанубий Фарғона бўз ва чўл минтақа тупроқ-иклим шароитларида қўриқ оч тусли бўз ҳамда ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ва доривор ўсимликлари таркибидаги кимёвий элементлар микдорлари тўлиқ ишланмаганлиги, доривор ўсимликлар хом-ашёларини узлуксиз тарзда таҳлил қилиб бориш, кимёвий элементлар, хусусан оғир

металлар тўпланишига мойил бўлган минтақаларда доривор ўсимликларни йиғиш ва етиштиришда алоҳида эҳтиёткорлик чораларини кўриш, тупроқ ва доривор ўсимликларнинг элемент таркиби ҳамда уларнинг биогеокимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш зарурлиги долзарб масала эканлиги юзасидан хуносалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудуди табиий-географик тавсифи, тадқиқот обьекти ва услублари**» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, Жанубий Фарғонанинг оч тусли бўз ва ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг табиий-географик тавсифи, географик жойлашуви тўғрисида умумий маълумотлар берилган. Бу ерларда тарқалган оч тусли бўз тупроқлар пролювиал жинслар устида пайдо бўлганлиги, тош-шағалли майда қумли ва қомоқли жинслардан ташкил топганлиги, шу билан бирга дағал, чағиртош-майин жинсли келтирилмалар ва шағаллар ҳам алоҳида сараланган ҳолатда учраши, скелетли қумлоқ ва соз жинслар ҳам қоплаб ётиши ҳақидаги таҳлилий маълумотлари келтирилган. Шунингдек, тадқиқот олиб борилган жанубий Фарғона ҳудуди тупроқлари шаклланишида иқлимининг аҳамияти очиб берилган. Буғланиш қуруқ чала чўл минтақасида 6,9-8,8 маротаба, чўл минтақасида 11,0-13,8 маротаба кўплиги, натижада бу ҳудудда қишлоқ хўжалиги экинларини сувга бўлган талабини фақат суғориш орқали қоплаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

«**Тадқиқот обьекти ва услублари**» бўлимида субтропик минтақаси чала чўл зонаси тоғ этаги қия текисликларининг адирлар ҳудуди тош-шағалли жинслардан ташкил топган пролювиал ётқизик устида шаклланган турлича скелетлашган ( $40^{\circ}17'56''$  N $71^{\circ}41'53''$ E) оч тусли бўз тупроқлари (1/ОМ), Сўх конус ёйилмаси тизимида ҳосил бўлган аллювиал-пролювиал ётқизиклардан ташкил топган қадимги аллювиал жинслар билан қопланган ( $40^{\circ}32'09''$  N $70^{\circ}59'25''$ E) эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллюваил тупроқлар (2/ОМ) тадқиқот обьекти сифатида танланган. Шунингдек, табиий ёввойи: чўл ялпиз (*Ziziphora tenuior* L.), оддий тоғрайхон (*Origanum vulgare* L.), кокилли кўкамарон (*Scutellaria comosa* Juz.), тиконли ковул (*Capparis spinosa* L.), интродукция қилинган: нони (*Morinda citrifolia* L.), гуава (*Psidium guajava* L.), папайя (*Carica papaya* L.), оддий розмарин (*Rosmarinus officinalis* L.), ингичка баргли лаванда (*Lavandula angustifolia* Mill.), ўткир баргли сано (*Senna angustifolia* Del.), зайтун (европа зайтуни) (*Olea europaea* L.), маданийлаштирилган: баланд бўйли андиз (қора андиз) (*Inula helenium* L.), олаут (*Silybum marianum* L.), Туркистон арслонқўйруғи (*Leonurus turkestanicus* V.I. Krecz. & Kuprian), топинамбур (*Helianthus tuberosus* L.) доривор ўсимликлари тадқиқотлар обьекти сифатида хизмат қиласди.

Тадқиқотлар мақсадига мувоғиқ дала тадқиқотларини бажаришда тупроқшуносликда умумқабул қилинган дала, лаборатория ва камерал шароитлардаги стандарт усувлар ва услубиятлар ташкил этади. Тадқиқотнинг асосий усули сифатида В.В.Докучаевнинг морфогенетик, кесма усули ҳамда Б.Полынов, М.Глазовская, А.Перельман, В.Ковалскийларнинг тизимли педогеокимёвий, биогеокимёвий услуг ва усувларидан кенг фойдаланилди. Тупроқ, ўсимликларни элемент таҳлили

ЎзФА Ядро физикаси илмий-тадқиқот институти «Экология ва биотехнология» лабораториясида нейтрон-активацион усулда бажарилган. Бунда намуналар атом реакторида  $5 \times 10^{13}$  нейтрон/см<sup>2</sup> сек. нейтрон оқими билан нурлантирилиб, кимёвий элементларнинг ярим емирилиш даврларига асосланиб уларнинг миқдорлари топилди. Олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш Б.А.Доспехов усули асосида яратилган компьютер дастури асосида олиб борилди. Расмлар, графиклар ва айрим математик ишловлар Microsoft Excel дастурлари асосида ишланди. Доривор ўсимликларни ценопопуляцион таҳлил қилиш О.В.Смирнова, Л.Б.Заугольнова., И.М.Ермакова ва бошқаларнинг усулларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Тадқиқот обьекти тупроқлари ва доривор ўсимликлари тавсифи» деб номланган учинчи бобининг «*Оч тусли бўз ва ўтлоқи-аллювиал тупроқлар морфогенетик таҳлили*» параграфида жанубий Фарғонада тарқалган оч тусли бўз ва ўтлоқи-аллювиал тупроқлар генетик қатламлари, морфологик белгиларига тавсиф берилган. Бунга кўра оч тусли бўз тупроқлар тош-шағалли пролювиал жинслар устида шаклланган бўлиб, тупроқларнинг юза қатламларида 5-15 мм ва ундан катта ўлчамдаги тошларни аралашган ҳолда, 30-56 см оралиғида тош-шағалли қатламларнинг кучсиз тўшалганлиги ҳамда 100-120 см дан тош-шағалли қатлам бошланиши билан характерли. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари сизот сувлари аллювиал тартиботли типга мансуб ва кучсиз минераллашган. Карбонатларнинг псевдомицелла ва конкретция кўриниши чегараси оч тусли бўз тупроқларда мос ҳолда 10, 30 см да, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда 53, 138 см да учраши келтирилган. Гипснинг тўпланиши ҳам қўйи қатламларга (30, 138) мослиги морфологик жиҳатдан илмий асосланди.

«*Тупроқларнинг физик ҳусусиятлари тавсифи*» деб номланган параграфида қўриқ оч тусли бўз ва эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари генетик қатламларидағи механик элементлар миқдорларининг ўзгариши ўрганилган. Ушбу худуд тупроқлари ва генетик қатламлари енгил, ўрта, оғир қумоқлардан қумлоқ механик таркибача алмашинади. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар механик таркиби маълумотларга кўра, асосан ўрта қумоқли бўлиб, қўйи қатламда ( $B_2$  92-138 см) оғир қумоқли,  $B_3$  қатламда енгил қумоқли қатлам билан алмашинади. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ва она жинслари механик таркиби градацияси 28-46% оралиғида тебранади. Қўриқ оч тусли бўз тупроқ ва она жинсларда физик лой ( $<0,01$  мм) миқдори 19,3-30,2% оралиғида ўзгариб, ўрганилган тупроқлар учун йирик чанг (0,05-0,01 мм) ва майда қум (0,25-0,05) заррачаларининг устунлиги характерли ҳисобланади ва бу кўрсаткич мос равишда тупроқ қатламларида 33,5-36,6 ва 28,5-36,2% оралиғида ўзгариб туради.

Қўриқ оч тусли бўз тупроқларда ўртacha чанг (0,01-0,005 мм) заррачалари 9,6-11,7% оралиғида, суғориладиган гидроморф тупроқларда эса суғориш даври боғлиқ равишда икки баробар камайиши кузатилди. Майда чанг (0,005-

0,001 мм) заррачалари миқдори эса эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ўртача чанг заррачалари миқдорига нисбатан 2-17 баробаргача ортиши қузатилди. Майда қум (0,1-0,05 мм) суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар генетик қатламларида 12,9-21,2% оралиғида тебранади, ил заррачаларининг ( $<0,001$ ) миқдори эса тупроқ қатламларида кучсиз дифференциацияланиши қузатилди ҳамда 13,5-19,1% оралиғида ўзгарди. Тупроқ кесмасида ил заррачаларининг беръер хусусияти, агротехник омил таъсирида генетик қатламларда тўпланишини суфориладиган гидроморф шароитда кўриш мумкин (13,5-19,1%).

**«Тупроқларининг кимёвий хосса-хусусиятлари тавсифи»** номли бўлимида Жанубий Фарғона пролювиал жинслар устида шаклланган қўриқ оч тусли бўз тупроқларнинг генетик қатламларидаги гумус ва озиқа элементлар миқдори чимли қатламда бошқа қуи қатламларга нисбатан юқори бўлиб, пастки қатламлар томон кескин камайиши қузатилади. Оч тусли бўз тупроқлар чимли қатламида гумус 1,65% га teng бўлиб, гурухлаш таснифига кўра юқори таъминланган. Чим ости қатламда гумуснинг миқдори 0,72% га, яъни 44% га камайиши, ундан кейинги ВС қатламда эса чимли қатламга нисбатан 3 баробарга камаяди. Она жинсда гумуснинг камайиш кўрсаткичи чимли қатламга нисбатан 5,4 баробарга ортиқ деб баҳолаш мумкин.


Эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар гумус миқдорига кўра кучсиз дифференциацияланиши, яъни қуи қатлам томон камайиш кучсиз эканлиги, В<sub>2</sub> қатламда гумус ортиши, кўмилган тупроқлар шаклланганлигини кўрсатади. Гумус миқдорига кўра ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ҳайдов қатлами ўртача таъминланган (1,0-1,5%) гурухга киради. Фақат 3, 4 ва 5-кесмаларда унинг миқдори юқори таъминланган (1,5-2,0) гурухга кириб, бу қўлланилаётган агротехник, хусусан, органик деҳқончилик билан боғлиқ.

Гумусни азотга тўйиниш даражаси (C:N) эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ҳайдов қатламларида 10,6-11,7 га, қуи қатламларда эса 9,3-11,3 оралиғида ўзгаради. Суфориладиган гидроморф тупроқлар ҳайдов қатламининг C:N нисбати бўйича тўйиниш даражаси характеристига кўра ўртача ва паст гурухга киради. Оч тусли бўз тупроқлар генетик қатламида C:N нисбати 5,7-9,3 оралиғида тебраниб, юқори ва ўртача гурухларга мансуб.

Оч тусли бўз ва суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг генетик қатламларида гумус заҳираси генетик қатлам қалинлиги, гумус миқдори, суфориш даври давомийлигига боғлиқ равишда ўзгаради (1-расм).

Бўз тупроқлар камарининг Оқбилол адирлари оч тусли бўз тупроқларининг юқориги 0-30 см ли қатламидаги гумус заҳираси 40,8 т/га, азот заҳираси эса 2,5 т/га, 0-50 см ли қатламда эса мос ҳолда гумус 59,7, азот 3,3 т/га ни ташкил қилди. Таҳлил натижаларига кўра эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг 0-30 см қатламларида гумус миқдорига боғлиқ ҳолда гумус заҳираси нисбатан юқори бўлиб, 0-30 см ли қатламда 61,2-74,3 т/га оралиғида ўзгарган бўлса, 0-50 см ли қатламларда заҳира 89,9-

97,5 т/га оралиғида тебранади. Ушбу ортиб бориш қонунияти ялпи азот, фосфор ва калий захирасида ҳам сақланиб қолади.



1-расм. Тупроқлари генетик қатламларида гумус захираси, т/га

Ялпи калий бүйича устунликни 0-50 см учун эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар (2/ОМ-кесма) га түгри келади ва 58,8 т/га ни ташкил қилди. Тупроқларни гумус захирасига қўра баҳолайдиган бўлсак, оч тусли бўз тупроқлар жуда паст, ўтлоқи-аллювиал тупроқлар паст деб баҳоланади.

Қўриқ оч тусли бўз ва эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг сингдириш сифими, уларнинг гумус билан таъминланганлиги, физик лой, ил заррачаларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Тупроқларда сингдириш йиғиндига нисбатан  $\text{Ca} < \text{Mg} < \text{K} < \text{Na}$  кўринишида камаяди. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар генетик қатламларида  $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$  тузининг ҳосил бўлиши,  $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$  миқдори бошқа тузларга нисбатан устунлик қилиши, галит миқдори қўйи қатлам томон ортиб бориши характерли ҳисобланади.

**«Доривор ўсимликларнинг тавсифи»** деб номланган учинчи бўлимда Жанубий Фарғонанинг бўз, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида ўсуви табиий, маданийлаштирилган ҳамда интродукция қилинган доривор ўсимликлар тавсифланган бўлиб, 8 оила ва 15 туркумга мансуб, 15 турни ўз ичига олади. Улардан 3 оила, 6 туркум ва 6 тури қўриқ оч тусли бўз тупроқларда, 7 оила, 9 туркум ва 9 тур суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида ўрганилган. Шунингдек, доривор ковул ўсимлигининг ценопопуляцион таҳлили маълумотлари ҳам келтирилган.

Диссертациянинг «Тупроқлар ва доривор ўсимликларнинг геокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятлари» деб номланган тўртинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, «Тупроқларда элементлар

**геокимёси»** номли параграфда оч тусли бўз ва эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг кимёвий элемент таркиби, тупроқда учрашига қараб тизимлаштириш, яъни асос сифатида В.И.Вернадский таснифидан фойдаланиб изланишлар олиб борилди.

Тупроқ – барьер ва тупроқ – она жинс ўртасида микроэлементларнинг микдори ижобий корреляция мавжуд бўлиб, молибден бундан мустасно. Ялпи микроэлементлар микдори бўйича алоқадорлик, яъни жуфт корреляция коэффициенти 0,13-0,87 оралиғида тебраниб, харакатчан шаклига кўра 0,35-0,87 га тенг. Оч тусли бўз тупроқларнинг чимли ва эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ва ҳайдов қатламларда тадқик этилган кимёвий элементлар микдорининг камайиш тартиби қуйидагича кўринишга эга. 1/ОМ-кесма, қўриқ оч тусли бўз тупроқлар, 0-10 см:

циклик элементлар:  $\frac{\text{Ca}}{1,42} > \frac{\text{Fe}}{1,33} > \frac{\text{K}}{1,11} > \frac{\text{Na}}{0,70} > \frac{\text{Ba}}{0,048} > \frac{\text{Mn}}{0,037} > \frac{\text{Sr}}{0,023} > \frac{\text{Ni}}{0,013} > \frac{\text{Zn}}{0,0056} > \frac{\text{Cr}}{0,0044} > \frac{\text{As}}{0,0018} > \frac{\text{Co}}{0,00047} > \frac{\text{Sb}}{0,0003} > \frac{\text{Hf}}{0,0002} > \frac{\text{Mo}}{0,0001}$ ; тарқоқ элементлар:  $\frac{\text{Rb}}{0,006} > \frac{\text{Sc, Cs}}{0,0004} > \frac{\text{Br}}{0,00034} > \frac{\text{Ta}}{0,00005}$ ; камёб элементлар:  $\frac{\text{Ce}}{0,0025} > \frac{\text{La, Nd}}{0,001} > \frac{\text{Yb}}{0,00025} > \frac{\text{Sm}}{0,00018} > \frac{\text{Tb}}{0,00005} > \frac{\text{Eu}}{0,000035} > \frac{\text{Lu}}{0,000023}$ ; нодир металл ва радиоактив элементлар:  $\frac{\text{Th}}{0,42} > \frac{\text{U}}{0,21} > \frac{\text{Au}}{0,0000008}$ .

2/ОМ-кесма, эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар, 0-36 см:

циклик элементлар:  $\frac{\text{Ca}}{5,90} > \frac{\text{Fe}}{2,76} > \frac{\text{K}}{2,36} > \frac{\text{Na}}{1,13} > \frac{\text{Ba}}{0,099} > \frac{\text{Mn}}{0,059} > \frac{\text{Sr}}{0,031} > \frac{\text{Zn}}{0,0099} > \frac{\text{Cr}}{0,0057} > \frac{\text{Ni}}{0,0025} > \frac{\text{As}}{0,0017} > \frac{\text{Co}}{0,001} > \frac{\text{Hf}}{0,0005} > \frac{\text{Mo, Sb}}{0,0001}$ ; тарқоқ элементлар:  $\frac{\text{Rb}}{0,011} > \frac{\text{Sc}}{0,0009} > \frac{\text{Cs}}{0,0007} > \frac{\text{Br}}{0,0003} > \frac{\text{Ta}}{0,0001}$ ; камёб элементлар:  $\frac{\text{Ce}}{0,006} > \frac{\text{La, Nd}}{0,003} > \frac{\text{Sm}}{0,0004} > \frac{\text{Yb}}{0,0002} > \frac{\text{Eu}}{0,00096} > \frac{\text{Tb}}{0,000066} > \frac{\text{Lu}}{0,000021}$ ; нодир металл ва радиоактив:  $\frac{\text{Th}}{1,10} > \frac{\text{U}}{0,75} > \frac{\text{Au}}{0,0000006}$ .

Келтирилган камайиб бориш спектрига кўра, қўриқ оч тусли бўз ва эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда кальций элементининг микдори устунлик қилиб, тупроқ ресурсларининг жаҳон маълумот базаси таснифига кўра бу жиҳатдан Calcisols тупроқлар типига киради. Гидроморф шароитдаги ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг генетик қатламларида кальций микдори қўриқ оч тусли бўз тупроқларга нисбатан устунлик қиласи. Жумладан, 92-138 см ли кўмилган қатламида кальций микдори энг юқори кўрсаткични бериб, 6,65% ни ёки оч тусли бўз тупроқнинг карбонатли қатламидан 1,28 мартаға кўп эканлигини қузатиш мумкин.

Концентрация кларки (КК) тадқик этилган қўриқ оч тусли бўз тупроқларнинг устки 0-10 см қатламида Sb(12,9)>As(3,7)>Ni(3,4)>Zn, Na(1,1)> Ca(1,0) кўринишида камайиб, Ba, K, Sr, Co, Mo, Mn, Hf, Fe ва Cr микдорлари уларнинг кларк микдоридан камлиги аниқланди. Қуйи қатламлар томон циклик элементлар микдори ортиб бориши, факат суръманинг улуши устки қатламдан остиқ қатлам томон кескин камайиши кузатилди. Бу ҳолат Ca, Ba, As каби циклик элементлар КК микдорларида ҳам кузатилди. Тарқоқ элементлар, яъни Rb, Sc, Cs, Ta, Br концентрация кларки оч тусли бўз

тупроқлар юқори қатламида 1 дан кичик бўлиб, карбонат-гипсли ва она жинсида Br ва Sc миқдори мос равишда 1,90, 1,03 га тенг бўлди.

Камёб элементлар КК устки чимли қатламда Yb(7,6)>Eu(3,5) тенг бўлиб, Ce, Tb, La, Nd, Sm ва Lu миқдорлари КК бирдан кичик. Нодир металл ва радиактив элементлар КК эса U(2,1)>Au(1,9)>Th(0,7) га тенг.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ҳайдов қатламида циклик элементлар КК: Sb(6,3)>Ca(4,3)>As(3,3)>Ba,Zn(1,9)>K(1,8)>Na(1,8)>Co(1,3)>Sr(1,0) ва Mo, Hf, Fe, Na, Ni, Cr миқдорлари тупроқ кларкидан кичикигини кўриш мумкин. Суғориладиган тупроқлар ҳайдов қатламида Cs(1,5)>Sc(1,3)>Rb(1,1) каби тарқоқ элементлар КК гидроморф шароитда аккумуляцияланиши, Ta, Br бирдан кичик бўлиб, яхши миграцияланишидан далолат беради.

Камёб элементлар КК ҳайдов қатламда Eu(9,6)>Yb(6,9)>Ce(1,3) тенг бўлиб, қуий генетик қатламларда ҳам уларнинг КК юқорилигини кузатиш мумкин. Tb, La, Nd, Sm ва Lu ларнинг КК миқдорлари бирдан кичик кўрсаткични беради. Нодир металл ва радиактив элементлар КК устки қатламда U(7,5)>Th(1,8)>Au(1,4) га тенг бўлиб, қуий қатламларда кучсиз дифференциацияланади ҳамда глейли ва кислородли педогеокимёвий баръерларда аккумуляцияланади.

Ўрганилган тупроқлар устки ва ҳайдов қатламларидаги суръманинг КК миқдори мос равишда 12,96-14,21 ва 6,25-7,33 оралиғида ўзгариб боради ва юқори концентрация оч тусли бўз тупроқлар ҳиссасига тўғри келади. Оч тусли бўз ва суғориладиган ўтлоқи тупроқларда кейинги ўринда циклик элементлардан марганецга тўғри келади. Концентрация кларки мос равишда бу тупроқларда 4,2-5,2 ва 5,0-6,2 оралиғида тебранади, яъни тупроқ кларкига нисбатан ўртача 3,5-5,6 ортиқлиги, геокимёвий провинция ҳолати мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, эскидан суғоралидаган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда геокимёвий провинциал ҳолат генетик қатламлар бўйича ўртача камайиб бориш тартибида макро- ва микроэлементлар қуийдагича жойлашади:

$$\frac{\text{Eu}}{9,93} > \frac{\text{Sb}}{7,55} > \frac{\text{Yb}}{6,67} > \frac{\text{U}}{5,77} > \frac{\text{Ca}}{4,37} > \frac{\text{As}}{2,73} > \frac{\text{Ba}}{2,40} > \frac{\text{Zn}}{2,03} > \frac{\text{Th}}{2,01}$$
$$\frac{\text{K}}{1,74} > \frac{\text{Na}}{1,68} > \frac{\text{Cs}}{1,67} > \frac{\text{Sr}}{1,62} > \frac{\text{Co}}{1,37} > \frac{\text{Sc}}{1,36} > \frac{\text{Au}}{1,35} > \frac{\text{Ce}}{1,24} > \frac{\text{Rb}}{1,21}.$$

Литосфера кларкига нисбатан ўрганилган элементларнинг концентрация кларки (КК) ва геокимёвий провинциал ҳолатлар қуийдаги ҳолатни берди. Оч тусли бўз тупроқ:

$$\frac{\text{As}}{10,76} > \frac{\text{Yb}}{7,58} > \frac{\text{Sb}}{6,22} > \frac{\text{Ni}}{2,31} > \frac{\text{Hf}}{2,30} > \frac{\text{Au}}{1,91} > \frac{\text{Br}}{1,62} > \frac{\text{Cs}}{1,08}$$
, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ:
$$\frac{\text{As}}{9,76} > \frac{\text{Yb}}{6,97} > \frac{\text{Hf}}{4,70} > \frac{\text{Sb, U}}{3,0} > \frac{\text{Cs}}{2,0} > \frac{\text{Ca}}{1,99} > \frac{\text{Ba, Br}}{1,52} > \frac{\text{Au}}{1,35} > \frac{\text{Zn}}{1,19} > \frac{\text{La}}{1,18}.$$

**«Доривор ўсимликларда кимёвий элементларнинг биогеокимёвий хусусиятлари»** деб номланган иккинчи параграфида элементларнинг тупроқ-доривор ўсимлик тизимидағи биогеокимёвий хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, тупроқда макро миқдорда учрайдиган ва геологик нуқтаи назардан макроэлемент ҳисобланган қўпчилик кимёвий элементлар ўсимликлар танасида микроэлемент тариқасида учраши кузатилади. Бундан

келиб чиқиб доривор ўсимликлар элемент таҳлилида ҳам циклик, тарқоқ, камёб, нодир металл ва радиоактив элементлар гурухлари асосида таҳлил қилинган.

Циклик элементлар микдори табиий ҳолда учрайдиган чўл ялпиз, оддий тоғ райхон, кокилли қўкамарон, тиконли ковул таркибида 0,001-28400 мг/кг оралиғида ўзгаради. Кальций, натрий, калий ва темирларнинг микдори тупроқдаги макроэлементлик қобилиятини сақлаб қолган ҳолда барий, стронций каби макроэлементлар микдори юқоридаги доривор ўсимликлар органлиарида 0,01% дан камлиги аниқланди. Ер қобиғида юқори даражада тарқоқ элементлар қаторидан рений (0,0007 мг/кг) жой олади. Ренийнинг тупроқдаги концентрацияси тоғ жинслари таркибига жуда якин бўлиб, ўртача 0,4 дан 0,6 мкг/кг гача етиб боради. Оч тусли бўз ва суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда унинг микдори анализатор аниқлаш даражасидан паст бўлишига қарамасдан ўрганилган чўл ялпизи, тоғ райхони ва қўкамарон ўсимликларида 0,001-0,005 мг/кг оралиғида учрайди. Биз томонимиздан тадқиқ этилган доривор ўсимликларда ренийни аккумуляцияси кузатилди.

Интродукция қилинган доривор ўсимликлар ер устки қисми, барги ва мевасида макро- ва микроэлементларнинг тупроқдан табиий доривор ўсимликларга нисбатан 2,6-4,6 баробар кўп микдорда ўзлаштиради. Бу жиҳатдан папайя меваси кальцияни юқори даражада сингдириши ва аккумуляцияланиши кузатилади ва тупроқдаги микдорига насбатан 94,9% ўзлаштириш қўрсаткични намоён қилиб, кальцийли гипераккумулятор хусусиятини намоён қиласди.

Ўсимликлар ўз органларида аниқ бир элементларни турли нисбатларда сингдиришига ушбу ўсимликнинг ўсиш муҳитидаги абиотик, антропоген омиллар билан боғлиқ ҳолда ўзгаради, лекин асосий қонуният сақланиб қолинади. Бу жиҳатдан ўсимликларнинг элемент таркиби билан улар ўсаётган тупроқларнинг элемент таркиби ўртасидаги корреляцион боғланишлар ижобий бўлиб, халқ табобатида, фитобарларда, замонавий тиббиётда ва фармацевтика саноатида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришда фойдаланиш янада муҳим тадқиқот эканлигини қўрсатади.

*«Доривор ўсимликлар биологик сингдириши коэффициенти»* номли параграфда доривор ўсимликларда оғир металлар микдорини экологик мониторинги ва гигиеник маъёрини ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб этаётган бугунги кунда доривор ўсимликларнинг экологик соғлигини баҳолаш нуқтаи назаридан биринчи галда биологик сингдириш коэффициенти аниқланган. Кўриқ оч тусли бўз тупроқ кесмасининг устки қатламларида Ba, Br, остки қатламида эса Co, 0-10, 30-56 ва 56-120 см қатламида эса Zn элементининг микдори тупроқ кларкига нисбатан юқори эканлиги қайд этилди. Cr, Fe, Mn каби оғир металларда бундай ҳолат қайд этилмади. Худди шундай ҳолатни аллювиал тартиботли эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ушбу тупроқлар тарқалган худуддан олинган тупроқ кесмасининг (2/МО кесма) ўрта қатламида бром (Br) микдори тупроқ кларкига нисбатан кўп, қолган барча қатламларда эса кам микдорларни ташкил қилди. Хром, темир,

марганец каби оғир металлар миқдори ушбу тупроқ қатламларида ҳам кам таъминланганигини кўришимиз мумкин. Аммо, ушбу тупроқ кесмасининг барча қатламларида тупроқ кларкига нисбатан рухнинг миқдори юқори даражада эканлиги қайд этилди.

Табиий доривор ўсимликлар турларининг биогеокимёвий фоаллиги: тиконли ковулда – мева (60,48) > ғунча (49,57) > барг (44,05) > гул (34,16) > поя (25,93) > илдиз ўзаги (26,39) > илдиз пўсти (8,35), яъни ўртacha 35,56 га, тоғ районда – 23,81 га, кокилли кўкамаронда 9,97 га ва чўл ялпизда 9,72 га тенг бўлди. Бу кўрсаткич интродукция қилинган ўткир баргли санода 41,83, нонида 23,34, лавандада 22,19, оддий розмаринда 20,64, папайядада 17,68, гуавада 15,25 ва европа зайдунида 6,61 ни ташкил этади. Маданийлаштирилган доривор ўсимликлар биологик фаоллиги кўрсаткичи олаётда 43,01, арслонқўйруқда 26,30, андизда 25,08, топинамбурда ўртacha 5,48 га тенглиги аниқланди.

Биологик сингдириш коэффициенти маълумотлар асосида биологик сингдириш интенсивлиги баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал.

### **Доривор ўсимликларнинг кимёвий элементлар биологик сингдириш интенсивлиги**

Ўсимлик номи	Элементлар гурухи					
	Биологик тўланувчи ( $A_x > 1$ )			Биологик ушланиб қолувчи ( $A_x < 1$ )		
	жуда кучли (10-100)	кучли (5-10)	кучсиз (1-5)	ўртacha (0,1-1)	кучсиз (0,01-0,1)	жуда кучсиз (<0,01)
Ёввойи турлар						
Тиконли ковул ( <i>Capparis spinosa L.</i> )	Se		K, Mo	Ca, Sr, Zn, Rb, Br, Au	Fe, Na, Mn, Ba, Cr, Ni, Co, Hf, Sb, Cs, Ta, Nd, Sm, U	Sc, As, Ce, La, Tb, Eu, Lu, Yb, Th
Баланд бўйли андиз ( <i>Inula helenium L.</i> )	Se		Re, Br	Ca, K, Mo, Sr, Zn, Au	Fe, Na, Mn, Ba, Cr, Ni, Co, Sb, Rb, Sc, Cs, Ta, Sm, Eu, Lu	As, Hf, Ce, Nd, La, Tb, Yb, Th, U
Интродукция қилинган турлар						
Нони ( <i>Morinda citrifolia L.</i> )		Se, Re	Mo, Br	Ca, Na, K, Sr, Zn, Cr, Ni, Au	Fe, Mn, Ba, Co, As, Hf, Sb, Rb, Sc, Cs, Ta, Ce, La, Sm, Tb, Eu, Lu, Yb, Th, U	Nd
Папайя ( <i>Carica papaya L.</i> )		Se	K, Mo, Re	Ca, Sr, Zn, Rb, Br, Au	Na, Mn, Ba, Cr, Ni, Co, As, Sb, Ta, Eu	Fe, Hf, Sc, Cs, Ce, Nd, La, Sm, Tb, Lu, Yb, Th, U
Маданийлантирилган турлар						
Олаёт ( <i>Silybum marianum L.</i> )		Se, Re	K, Mo, Sr, Br	Ca, Na, Zn, Co, Sb, Rb, Au	Fe, Mn, Ba, Cr, As, Hf, Sc, Cs, Ce, Nd, La, Sm, Tb, Eu, Lu, Yb, Th, U	Ta, Ni
Туркистон арслонқўйруғи ( <i>Leonurus turkestanicus</i> )		Se, Re	K, Mo, Br	Ca, Sr, Zn, Cr, Ni, Rb, Au	Fe, Na, Mn, Ba, Co, As, Hf, Sb, Sc, Cs, Ta, Ce, Nd, La, Sm, Tb, Eu, Lu, Yb, Th, U	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, доривор ўсимликларда кимёвий элементларнинг биологик сингдириш интенсивлиги баҳосига кўра кучсиз ушланиб қолувчи гурух етакчилик қиласи.

Диссертациянинг «*Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ва доривор ўсимликларни рақамли ҳаританомалари*» параграфи тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқда ўсимликлар учун озиқа моддаларининг ижобий ёки дефицитсиз балансини ҳосил қилиш суғориладиган дәхқончиликда энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу жиҳатдан агрокимёвий ҳаританомалар асосида доривор ўсимликлар етиштиришга асосланган «Меҳригиё» агрофирмасида органик дәхқончилик юритишини йўлга кўйишида органик ўғитларни қўллаш меъёрларини аниқлаш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Агрокимёвий таҳлил натижаларига кўра ҳаракатчан фосфор билан жуда кам ва кам таъминланган, алмашинувчи калий билан эса кам таъминланган гурухларга кириши исботланди. Булардан келиб чиқиб, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари учун 1:5000 миқёсли мукаммал агрокимёвий ҳаританома тузилди ва схематик тарзда келтирилди.

Бу борада биз доривор ўсимликлар етиштириладиган майдонларда органик маҳсулот етиштириш учун маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш меъёрларини қўйидагича ҳисоблашимиз мумкин.

Агар гўнг таркибида азотнинг умумий миқдори 0,45%, фосфор - 0,23 ва калий - 0,5% бўлса, у ҳолда 20 т/га солинган гўнг билан, 90 кг/га азот, 46 кг/га фосфор ва 100 кг/га калий тупроққа келиб қўшилади. Биринчи йилда ўртача тупроқда азот (30%) 27 кг/га, фосфор (35%) 16,1 кг/га ва калий (60%) 60 кг/га парчаланади десак, ҳаританома бўйича фосфор билан доривор ўсимликларни таъминлаш учун 92 т/га, калий билан эса ҳисоблайдиган бўлсак, 35 т/га гўнг солиш керак бўлади, деб хулоса қилишимиз мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Жанубий Фарғона қўриқ оч тусли бўз тупроқ типчаси пролювиал она жинслар устида, автоморф шароитда табиий омиллар таъсирида шаклланган бўлиб, генетик қатламларда механик таркиби ўрта қумоқдан қулоқгача ўзгаради ва физик қум заррачалари устунлик (69,8-80,7%) қиласди. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар антропоген ва табиий омиллар таъсирида физик лой миқдори генетик қатламларда 27,8-46,2% оралиғида ўзгариши кузатилди.

2. Жанубий Фарғона эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар морфогенетик, агрокимёвий таҳлил натижаларига кўра кўмилган қатлам мавжудлиги аниқланди. Гидроморф шароитда шаклланган ушбу тупроқлар ва сизот сувлари таркибида сульфатлар ( $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ) миқдорининг ошганлиги, ўғит тариқасида киритилиши ҳамда касаллик ва зааркунандаларга қарши олtingугуртни қўлланилиши билан боғлиқ. Умумий ҳолатда ҳам сульфатли тузлар миқдори бошқа тузларга нисбатан устунлик қиласди.

3. Қўриқ оч тусли бўз тупроқлар устки қатлами гумус билан юқори таъминланган, ҳаракатчан фосфор ва калий кам, ўртача таъминлаган гурухга киради. Оч тусли бўз тупроқлар гумусни азотга тўйинганлик даражаси ўртача, гумус захирасига кўра жуда паст, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар паст даражада таъминланганлиги аниқланди.

4. Автоморф оч тусли бўз ва гидроморф ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шаклланишида  $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ ,  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{NaCl}$ ,  $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$  каби сувда эрувчи тузлар қатнашади. Оч тусли бўз тупроқларнинг карбонат-гипсли, ўтлоқи-аллювиал тупроқлари юқори қатламларида  $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$  ҳосил бўлиб, қолган ҳолатларда сувда қийин эрувчи ангидрит ( $\text{CaSO}_4$ ) етакчилик қиласди.

5. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар макро- ва микроэлементларнинг доривор ўсимликлар биологик сингдириш коэффициентига кўра жуда кучли, кучли, кучсиз тўпловчи ҳамда ўртача, кучсиз, жуда кучсиз ушланиб қолувчи гурухга киради. Ўрганилган тупроқларда доривор ўсимлик турларининг биогеокимёвий фоаллиги табиийларда 9,72-35,56, интродукция қилинганларда 6,61-41,83, маданийлаштирилганларда 5,48-43,01 оралиғида ўзгаради.

6. Кўриқ оч тусли бўз ва эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда элементлар аккумуляциясида кислородли-буғланувчи, карбонат-гипсли, глейли геокимёвий баръерлар характерли. Тупроқ кларкига нисбатан оч тусли бўз тупроқларда суръма, иттербий, мишъяқ, европий, никель ва уранли кучсиз тупроқ-геокимёвий ҳамда литосфера кларкига нисбатан мишъяқ, суръма, иттербий, никель, гафний ва бромли кучсиз геокимёвий провинция ҳосил қиласди.

7. Жанубий Фарғона эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда антропоген омил қўшимча барий, рух, цезий ва ураннинг тўпланишидан кучсиз ортиқча ва кучли молибденли етишмовчи провинция ҳосил бўлишига олиб келган. Хром миқдорига кўра тупроқ кларкидан 5 баробар, литосфера кларкидан 2 баробар камлиги уни етишмовчи провинциал ҳолатлигидан далолат беради.

8. Молибден кучли етишмовчи провинция ҳолатида бўлишига қарамасдан биологик сингдириш интенсивлиги (Ах 1-5) бошқа биомикроэлементларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Доривор ўсимликларда Se, Re, Br, K, Mo ва Au ли кучсиз, кучли ва жуда кучли биогеокимёвий провинциялар ҳосил қиласди.

9. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг 1:5000 миқёсли агрокимёвий хаританомаси қишлоқ хўжалигига доривор ўсимликларни тўғри жойлаштириш ва ҳар бир ўсимлик тури учун ажратилган биогеокимёвий провинциялар асосида озиқа моддаларнинг таркибини ҳисобга олган ҳолда ўғитлардан дифференциал фойдаланишда тавсия этилади.

10. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари, она жинслари ва доривор ўсимликларида Na, K, Mn, Sm, Re, Mo, Lu, U, Yb, Au, Nd, As, W, Br, Ca, La, Ce, Se, Hg, Tb, Th, Cr, Hf, Ba, Sr, Cs, Ni, Sc, Rb, Zn, Co, Ta, Fe, Eu, Sb ва бошқа элементларнинг миқдори, биогеокимёвий хусусиятлари худуд тупроқ қопламини тавсифлаш, тупроқ-экологик мониторингини олиб бориш, доривор ўсимликларни тўғри жойлаштириш ва экологик тоза ўсимлик хомашёлари етиштиришда тавсия этилади.

# **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

## **СПИСОК ОПУБЛИКИРОВАННЫХ РАБОТ**

### **LIST OF PUBLISHED WORKS**

#### **I бўлим (I часть; I part)**

1. Турдалиев А., Юлдашев Ф., Обидов М. Фарғона водийси гидроморф тупроқлардаги педолит қатламлар тўғрисида //ЎзМУ хабарлари №3/1. 2017. 154-157 б. (03.00.00; №9).
2. Исагалиев М., Абдухакимова Х., Обидов М. Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси //ФарДУ. Илмий хабарлар журнали. Фарғона. №6. 2018.43-46 б. (02.00.00; №17).
3. Исагалиев М., Обидов М., Матхоликов Р. Доривор *Capparis spinosating* морфогенетик ва биогеокимёвий хусусиятлари //ФарДУ. Илмий хабарлар журнали. Фарғона. №4. 2019. 46-49 б. (02.00.00; №17).
4. Исагалиев М., Махмудов В., Обидов М. Фарғона водийси тошшагалли оч тусли бўз тупроқлари шароитида *Capparis spinosa L.* нинг ценопопуляцияси ва биогеокимёвий хусусиятлари //НамДУ илмий ахборотномаси. №3. 2020. 184-192 б. (03.00.00; №17).
5. Исагалиев М.Т., Турдалиев А.Т., Обидов М.В. Доривор ўсимликлар биогеокимёси //Ўзбекистон замини журнали. Тошкент. №1. 2021 й. 48-52 б.
6. Obidov M., Isagaliyev M., Turdaliyev A., Abdughakimova Kh. Biogeochemistry Properties of Calcisols and *Capparis Spinosa L.* //International Journal of Modern Agriculture, Volume 10. No.1. 2021. P. 94-101. (Web of Sciences).
7. Исагалиев М.Т., Обидов М.В. Биогеохимические особенности светлых сероземов и ценопопуляция *Capparis spinosa L.* //Научное обозрение: Биологические науки. №4. 2021. С. 89-93. (03.00.00; №23).

#### **II бўлим (II часть; I part)**

8. Обидов М.В., Исагалиев М.Т., Имомалиева А. Бўз тупроқлар унумдорлиги ва доривор ўсимликлар етиштириш истиқболлари //«Ҳозирги замон тупроқшунослик ва дехқончилик муаммолари» республика илмий анжумани материаллари тўплами. Фарғона. 2019. 149-151 б.
9. Исагалиев М.Т., Обидов М.В. *Capparis spinosa L.* органларида элементлар микдорининг ўзгариши тўғрисида //«Ҳозирги Ўзбекистон шароитларида илм-фан ва инновациялар» республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II бўлим. Нукус. 2020. 25-26 б.
10. Obidov M.V., Isag‘aliyeva S.M. Dorivor o‘simpliklarda og‘ir metallar tahliliga oid (I qism) //«Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 15-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. Тошкент. 2020. 11-қисм. 171-174 б.
11. Обидов М., Исагалиев М. Dorivor o‘simpliklarda og‘ir metallar tahliliga oid (II qism) //«Фарғона водийси дехқончилиги истиқболлари, муаммолари ва ечимлари» республика онлайн илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона. 2020. 84-87 б.

12. Юлдашев Г., Исагалиев М., Абдухакимова Х., Обидов М. Химический состав и генезис оросительных вод Ферганской долины //«Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент. 2020. 821-825 б.

13. Исагалиев М.Т., Юлдашев Г., Абдухакимова Х.А., Обидов М.В. Биомикроэлементы в сероземах юга Ферганы //Аграрная наука – сельскому хозяйству: сборник материалов: в 2 кн. /XV Международная научно-практическая конференция (12-13 марта 2020 г.). Барнаул: РИО Алтайского ГАУ, 2020. Кн.1. С. 364-366.

14. Исагалиев М., Юлдашев Г., Обидов М., Исомиддинов З. Влияние экологических факторов на радиальную миграцию элементов в системе почва-растение //«Биология, экология, тупроқшунослик йўналишларининг долзарб муаммолари ва илмий ечимлари» мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн семинар материаллари. Тошкент. 2020. 178-181 б.

15. Обидов М.В. *Capparis spinosa* L. илдизининг элемент таркиби //Академик А.Ф. Фаниевнинг 90 йиллигига бағишиланган «Аналитик кимё фанининг долзарб муаммолари» VI республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Термиз. 2020. 264-266 б.

16. Исагалиев М., Юлдашев Г., Обидов М., Исагалиева С. Коэффициент биологического поглощения макро- и биомикроэлементов //Аграрная наука – сельскому хозяйству: сборник материалов: в 2 кн. /XVI Международная научно-практическая конференция (9-10 февраля 2021 г.). Барнаул: РИО Алтайского ГАУ, 2021. Кн.1. С. 319-321.

17. Обидов М.В., Исагалиев М.Т. *Morinda citrifolia* L. нинг органларида элементлар микдорининг ўзгариши //«Ёшлиар – янги Ўзбекистон, янги ренесанс бунёдкорлари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона. 2021. 137-140 б.

Автореферат Фарғона давлат университети адабиётшунослик кафедраси қошидаги илмий марказда таҳрирдан ўтказилди.

Босишга руҳсат этилди: 2022 й. Нашриёт босма табоғи: - 3.  
Шартли босма табоғи: - 1,5. Бичими 84x 108 1/16. Адади 100.

Баҳоси келишилган нархда.

“Poligraf Super Servis” МЧЖ

150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Авиасозлар кўчаси, 2-уй.